БЕКОБОД РАЙОНИ ЮБИЛЕЙ ВАХТАСИДА

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 141 (6002).

21 ИЮЛЬ ПАЙШАНБА 1977 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

СОВЕТ ҲОКИМИЯТИ ЙИЛЛАРИДА ПОЙТАХТ ОБЛАСТИМИЗДА ОБИ-ҲАЁТ МАНБАЛАРИ — СИРДАРЁ, ОҲАНГАРОН ВА ЧИРЧИҚ ДАРЁЛАРИ СОҲИЛЛАРИДА ЙИРИК ПАХТАКОР РАЙОНЛАР ВА УЛКАН САНОАТ ШАҲАРЛАРИ БУНЁД ЭТИЛДИ. УЛУҒ ДОҲИЙМИЗ В. И. ЛЕНИН НАЗАРИ ТУШГАН БЕКОБОД РАЙОНИ АНА ШУНДАЙ ГУРКИРАБ ЯШНАБ ТУРГАН ВОДИЙЛАРДАН БИРИ. ГАЗЕТАМИЗНИНГ БУГУНГИ СОНИДА ДУР ДАРГОҲИ МИРЗАЧЎЛ ВОҲАСИНИНГ ШАРҚИДА, ҚАДИМИЙ СИРДАРЁ БЎЙИДА ЙИЛДАН-ЙИЛ ЮКСАЛИБ, ОБОД ВА КЎРКАМ БЎЛИБ БОРАЁТГАН БУ РАЙОН МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ УЛУҒ ОКТЯБРЬ 60 ЙИЛЛИГИ АРАФАСИДА ҚЎЛГА КИРИТАЁТГАН МЕҲНАТ ЗАФАРЛАРИ БИЛАН ТАНИШАСИЗ.

ЛЕНИН ДАҲОСИ БИЛАН

З. Т. МАХСУМОВ

Бекобод район партия комитетининг биринчи секретари

ШОНЛИ Улуғ Октябрь инқилобининг нурафшон зиёси бепоён мамлакатимиз халқларига бахт-саодат, тинчлик ва тенглик келтирди. Буюк доҳиймиз В. И. Ленин Совет ҳокимиятининг дастлабки кунлариданоқ ўлкаларни ўрганиш, моддий бойликларни халқ манфаатлари йўлига бўйсундириш борасида алоҳида ғамхўрлик кўрсатди. У 1918 йилнинг 17 майида «Туркистонда суғориш ишларига 50 миллион сўм пул ажратиш ва суғориш ишларини ташкил қилиш тўғрисида»ги тарихий Декретга имзо чекди. Унда ўлкамизнинг бошқа жойлари қатори бизнинг Далварзин массивимиздан ҳам 40 минг десятина ерни ўзлаштириш ва суғориш ишларини йўлга қўйиш ҳақида кўрсатма берилган эди. Бу ҳужжат ҳозирги Бекободнинг порлоқ ва ёрқин келажагини белгилаб берди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига биноан 1926 йилнинг 29 сентябрида Хўжанд уездининг Далварзин массивида Тошкент областига қарашли Бекобод райони ташкил этилди. Ўша йилларда район деҳқончилигининг иқтисодий аҳволи оғир эди. Уларнинг иш қуроли омоч ва кетмон бўлиб, асосий ишлар қўл кучи билан бажарилар эди. Шунга кўра, қишлоқ хўжалик экинларидан олинаётган ҳосилдорлик ҳам ниҳоятда паст даражада эди. Ўша йилларда район аҳолисининг моддий ва маънавий турмушини ҳам яхши деб бўлмасди. Район территориясида истиқомат қилувчи 3200 та яқин аҳолига атиги 6 та мактаб, 4 та магазин ва битта қутубхона хизмат кўрсатган. Мавжуд ҳаваскорлик тўгаракларида 21 киши иштирок этган эди, холос.

30-йилларга келиб, партия-ҳукуматимизнинг чексиз ғамхўрлиги туфайли қишлоқлар ҳаётида кескин бурилиш йиллари —колхозлаштириш даври бошланди. 1931—1932 йилларда районимиз территориясида 97 та колхоз ташкил этилган. Лекин ҳосилдорлик паст эди, ҳар гектарига бор-йўғи 6—7 центнерни ташкил этарди. Экин майдонларини кенгайтириш, мавжуд майдонларда ҳосилдорликни ошириш зарур эди. Бунинг учун эса чўлга сув чиқариш, янги ерларни ўзлаштириш биринчи галдаги вазифа бўлиб турарди. Бу ишларни амалга ошириш учун партиямиз йўлланмаси билан инженер Калпакова раҳбарлигидаги бир группа ирригатор ва мелиораторлар районимизга келадилар. Сувга чанқоқ, қақраган чўлларни боғу бўстонга айланиши учун қизғин кураш бошланади.

Мана, бугунга келиб асрлар оша қақраб ётган майдонлар, қамишзор ва ботқоқликлар ўрнида бепоён пахтазорлар, яшнаган боғлар ва обод социалистик қишлоқлар вужудга келди. Бундай тинч ва фаровон ҳаёт учун олиб борилган курашларда ҳамқишлоқларимиз фидокорлик кўрсатдилар. Колхозлаштириш ва социализмнинг пойдеворини бунёд этиш даврларида, Улуғ Ватан уруши йилларида олиб борилган ғолибона курашлар ўз даврининг илғор кишиларини етиштириб чиқарди. Улуғ Октябрнинг шонли 60 йиллиги арафасида ана шундай қалби қайноқ, меҳнаткаш инсонлар номини ҳурмат билан тилга оламиз. Фатҳулла Хўжаев, Рустамов, Эргашев, Жалилов, Отабоев, Носиров каби жонкуяр ва талабчан раҳбар ходимлар районимиз равнақи учун фидокорлик намуналарини кўрсатдилар. Ҳозирги кунда «Победа» колхозида истиқомат қилаётган Ашуркул Аҳмадиёров, 1-«Далварзин» совхозидан Убайдуллаев, «Коммунизм» колхозидан Санам Болтабоева, А. Мавлонов номли совхоздан Қолдибой Ражабқулов сингарилар қарилик ғаштини суришмоқда. Районимизда маданият ва маориф равнақига ҳисса қўшган кишилар ҳам оз эмас. Навоий номли колхоздан Мақсад Нурматова, А. Мавлонов номли совхоздан Исмоил Хожибоев, Ленин ордени кавалери марҳум Сотболди Йўлдошев ва бошқалар шулар жумласидандир.

Шонли Октябрь инқилобининг музаффар байроғи остида ўтган 60 йил ичида жонажон партиямиз ва Совет ҳукуматининг оталарча ғамхўрлиги туфайли кескин ўзгаришлар рўй берди. Районимиз территориясида 13 та йирик хўжалик ташкил этилди. Бу колхоз-совхозларнинг деҳқонлари мўл пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари етиштириш учун ҳаракат қилмоқдалар. Кустар ҳунармандчилик ишлаб чиқариши бундан 60 йил аввал ҳукмрон бўлган жойда, ҳозир йирик саноат корхоналари вужудга келтирилди. «Далварзин» пахта тозалаш, «Далварзин» мотор-ремонт заводлари ва бошқа корхоналар ана шулар жумласидандир. Район меҳнаткашлари ўнинчи беш йилликни муваффақиятли тугаллаш учун социалистик мусобақани тобора авж олдирмоқдалар.

Ўтган 60 йил ичида халқимизнинг турмуш фаровонлиги ва ҳаёти тубдан ўзгарди. Ҳозирги кунда қишлоқ меҳнаткашлари маданий-маиший, савдо ва алоқа хизматининг барча турларидан баҳраманд бўлмоқдалар. Уларнинг фарзандлари замонавий билим даргоҳларида, тажрибали педагоглар мураббийлигида таълим-тарбия олишмоқда. Мавжуд 44 та кутубхона ва 27 клуб: 159 та савдо тармоғи халққа намунали хизмат кўрсатмоқда. 59 та мактабда район аҳолисининг 22 мингдан зиёд ёшлари таҳсил кўришаётир. 60 олий маълумотли ва 400 га яқин ўрта махсус маълумотли медицина ходимлари эл саломатлиги йўлида жонкуярлик кўрсатишмоқда. Районимизда Ильич нури кирмаган, радио ва телевизорсиз хонадонни учратиш қийин. 9 мингдан ортиқ хонадонлар соҳибlари эса «зангори олов» хизматидан баҳраманд бўлишмоқда. Хуллас, қишлоқ аҳлининг бугунги фаровон ҳаёти ҳақида қанча гапирилса ҳам оз.

КПСС Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган май Пленуми қарорлари ва шу Пленумда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг сермазмун доклади, бу тарихий Пленумдан сўнг эълон қилинган СССР янги Конституциясининг лойиҳаси барча қатори районимиз меҳнаткашларини ҳам руҳлантириб юборди. Конституция лойиҳаси қизғин муҳокама қилинмоқда ва қўллаб-қувватламоқдалар. Илҳомбахш ҳужжат уларни ҳам янги зафарларга чорламоқда. Айниқса, пахтакорларимиз об-ҳаво ноқулай келган бу йилги шароитда зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар. Ўтган йили 61200 тонна дурдона йигиштирib олган паришуносларимиз юбилей йилида 68 минг тонналик «оқ олтин» хирмони бунёд этиш учун қизғин кураш олиб бормоқдалар. Ойбек номли совхозининг Валлами Тўхтабоев, «КПСС XXV съезди» совхозининг Мухторхон Аъзамов, Ленин номли колхозининг Хошим Усмонов ўртоқлар бошлиқ 55—60 центнерчи бригадаларида гўза парвариши намунали олиб борилмоқда.

Районимиз саноатчиларининг юбилей йилида эришаётган ютуқлари ҳам салмоқлидир. Улар маҳсулот реализация қилиш беш ойлик социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари шараф билан бажарган эдилар. Айни пайтда беш йилликнинг иккинчи йили топшириқларини муваффақиятли бажаришга интилмоқдалар.

Районимизда жамоат бинолари ва аҳоли турар-жойларини қуриш ишлари ҳам кенг миқёсда олиб борилмоқда. Ўнинчи беш йилликда 8600 квадрат метр турар-жой бинолари қурилиб фойдаланишга топширилади. Маҳаллий бюджет ҳисобидан 2000 ўринли мактаб бинолари қурилади. Зафар посёлкасида 1400 ўринли болалар боғчаси ва бошқа мактабгача тарбия муассасалари қурилиши мўлжалланмоқда.

Кейинги йилларда районда янги ерларни ўзлаштириш, мавжуд майдонларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш эвазига янги-янги совхозлар бунёд этилди. «Октябрь 46 йиллиги» ихтисослашган шоличилик совхози, «Октябрь 50 йиллиги» ихтисослашган сутчилик-сабзавотчилик совхози, «Ленинград» ва 4-«Далварзин» пахтачилик совхозлари ташкил этилди. Ҳозирги кунда бу хўжаликлар иқтисодий жиҳатдан бақувват, яшнаган, обод совхозларга айланмоқда.


Район деҳқонлари юбилей йилининг биринчи ҳосили —пилладан мўл ҳосил етиштирдилар. Она-Ватан бекободлик пиллакорлар экан пландаги 143 тонна ўрнига 179 тонна 400 килограммга яқин «кумуш тола» қабул қилиб олди. Пилла тайёрлаш социалистик мажбурияти ортиги билан бажарилди. Эндиликда эса 68000 тонна пахта, 38065 тонна дон, 11200 тонна жўхори дони ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш учун қизғин кураш олиб борилмоқда. Беш йиллик давомида эса 314,5 минг тонна пахта, 123 минг тонна дон, 6200 тонна гўшт, 48670 тонна сут, 11 миллион 50 минг дона тухум етиштирилади, 1980 йилга бориб она-Ватанга 80000 тонна «оқ олтин» етказиб берилади.

Ленин имзоси билан, Октябрь зиёси билан, партия ва ҳукуматимизнинг ғамхўрлиги туфайли гулаб яшнаётган Бекобод районининг азамат меҳнаткашлари, ҳеч шубҳа йўққи, шонли юбилейини муносиб кутиб оладилар, ўзларининг меҳнат муваффақиятларини ана шу қутлуғ тўйга армуғон этадилар.

◆ РАЙОНДА ўзларининг кўп йиллик фидокорона меҳнатлари билан эл ҳурматига сазовор бўлган донгдор кишилар бор. Улар қишлоқ хўжалигининг турли соҳаларида ташаббускор бўлиб, пахтадан ва бошқа экинлардан мўл ҳосил етиштиришда, район шон-шуҳратини оширишда, унинг хўжаликларини ривожлантиришда намуна кўрсатиб ишлаб келганлар. Улуғ Ватан уруши йилларида фронтда ва фронт орқасида жонбозлик кўрсатиб, ҳозир қарилик ғаштини сураётган отахонлар ҳам бор.

Суратда: (чапдан) район ветеранларидан Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Степан Петрович Ильин, Соцналистик Меҳнат Қаҳрамони Абдуқодир Шукуралиев ва Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Муҳиддин Мирзаахмедов.

М. Қорабеков фотоси.



РСФСР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

20 июль куни эрталаб соат 10 да Катта Кремль саройида тўққизинчи чақириқ РСФСР Олий Советининг бешинчи сессияси очилди.

В. В. Гришин, А. П. Кириленко, Ф. Д. Кулаков, К. Т. Мазуров, А. Я. Пельше, Д. Ф. Устинов, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, В. И. Долгих, М. В. Зимянин, Я. П. Рябов, К. В. Русаков ўртоқлари депутатлар давомли қарсаклар билан кутиб олдилар.

Сессияни РСФСР Олий Советининг раиси депутат В. А. Котельников очди.

(ТАСС).

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ДАҒАЛ ХАШАК ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 20 ИЮЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Топшириққа нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — бир кунлик ўсиш, иккинчи устун — мавсум бошидан буён.

Калинин	0,7	86,0
Пискент	0,2	85,2
Бўка	0,1	82,3
Қуйи Чирчиқ	0,5	81,9
Бекобод	0,5	81,2
Ўрта Чирчиқ	1,2	79,8
Тошкент	—	79,5
Оққўрғон	0,5	79,3
Оҳангарон	0,5	78,6
Чиноз	2,4	76,3
Оржоникидзе	0,5	75,9
Юқори Чирчиқ	2,6	74,3
Янгийўл	—	68,7
Бўстонлиқ	0,6	65,7
Область бўйича:	0,8	79,8

Л. И. БРЕЖНЕВ Э. ХОНЕККЕР БИЛАН ДЎСТОНА УЧРАШДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев 19 июль куни Қримда Совет Иттифоқида дам олаётган Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Германия Демократик Республикасси Давлат Кенгашининг раиси Э. Хонеккер билан учрашди.

Бўлиб ўтган суҳбат чоғида КПСС билан ГБСП социализм ва коммунизм қурилиши программасини амалга ошириш девомида ҳал этаётган кўпгина проблемаларга тўхталиб ўтилди. Шу муносабат билан Улуғ Октябрь социалистик революцияси 60 йиллиги юбилейининг халқаро аҳамияти, ривожланган социализм ва қурилаётган коммунизм Конституцияси бўлмиш СССР янги Конституциясининг эълон қилиниши ва умумхалқ муҳокамасига қўйилиши дунёда кенг миқёсда ижобий фикрлар уйғотганлиги кўрсатиб ўтилди.

Л. И. Брежнев ва Э. Хонеккер ўртоқлар СССР билан ГДР ўртасидаги ҳар тарафлама ҳамкорлик муваффақиятли ривожланаётганлигидан, КПСС билан ГБСП ўртасидаги алоқалар, ҳар иккала мамлакат халқларининг дўстлиги янада мустаҳкамланаётганлиги д а н мамнун эканликларини изҳор этдилар. Иккала қардош партиялар ва давлатларнинг раҳбарлари иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик истиқболларини муҳокамэ қилиб, Узаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши доирасида бир мақсадни кўзлаб иш олиб борилаётган узоқ муддатли программаларга мос тарзда 1980 йилдан 1990 йилгача бўлган давр ичида СССР билан ГДР ўртасида ихтисослаштириш ва кооперациялаш программасини ишлаб чиқиш тўғрисида келишиб олдилар.

Л. И. Брежнев ва Э. Хонеккер ўртоқлар актуал халқаро масалалар юзасидан фикр олишиш чоғида Совет Иттифоқи ва Германия Демократик Республикасининг кескинликни юмшатишни чуқурлаштиришга, қуролланиш пойгасини тўхтатишга ва куролсизланишга, жаҳоннинг турли райoнларида уруш хавфи ўчоқларини тугатишга бўлган астойдил интилишини таъкидлаб ўтдилар. Улар кескинликни юмшатиш, қуролсизланиш, тинчликни мустаҳкамлаш душманларининг қаршилигини енгиб бўлади ва бу қаршилик енгилиши керак деб ишонч билдирдилар.

Европадаги вазиятни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилди. Жумладан, Л. И. Брежнев ва Э. Хонеккер қитъада сиёсий иқлимни янада соғломлантириш мақсадида астойдил куч-ғайрат сарфлаш зарурлигини таъкидлаб ўтдилар. Бу куч-ғайрат аввало Хельсинкидаги кенгаш якунловчи актининг принциплари ва аҳдномаларини тўла амалга оширишга, кейинги йилларда имзоланган шартномалар ва битимларга қатъий риоя қилинишига, давлатлар суверенитетини ҳурмат қилишга ва уларнинг ички ишларига аралашмаслик»га, ўзаро ишончни мустаҳкамлашга асосланиши керак.

Умумевропа кенгаши иштирокчилари бўлган мамлакатлар намояндаларининг Белградда бўладиган учрашуви Европада хавфсизликни ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш жараёнига ўз ҳиссасини қўшади деган умид изҳор этилди.

Суҳбат дўстона, самимий ва тўла ҳамжиҳатлик вазиятида ўтди.



ТОШКЕНТ пиллакашлик фабрикасининг ишчи-хизматчилари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун суръатга-суръат қўшиб меҳнат қилмоқдалар. Ҳар бир коллектив, ҳар бир ишчи оширилган социалистик мажбурият асосида ишлаяпти. Суратда: ишлаб чиқариш зарбдори Турсуной Самигжонова.

И. Глуберзон ва В. Сироткин фотолари.

СЎТАЛАР СЕРДОН БЎЛМОҚДА

Ҳозир барча совет кишилари Октябрь революциясининг 60 йиллигини меҳнатда янги зафарларни қўлга киритиш билан кутиб олиш учун зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар. Қишлоқ хўжалик соҳасида эллик центнерчи пахтакорлар, 100 центнерчи маккажўхорикорлар 70—80 центнерчи шоликорлар ҳаракати авж олиб кетди. Бизнинг бригадамиз аъзолари ҳам илғорлар ташаббусига қўшилиб, гектаридан 100 центнердан қаҳрабо дон олиш мақсадида йил бошидан бери астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Экин майдонимиз 80 гектар. Бизда ишловчи 12 кишининг ҳар бири ҳисобига 666 центнердан ҳосил етиштиришга бел боғлаганмиз.

Маккажўхори ниҳоллари кўзга ташланиши биланоқ агротехника қоидаларига амал қилиб янгa ўтказдик. Ҳар гектар ерда 55 минг тупдан кўчат қолдирилди. Культивация, озиқлантириш, суғориш тадбирлари агротехника муддатларида сифатли ўтказилди.

Ҳозир маккажўхори яхши ривожланиб дон ола бошлади. Ҳар туп ўсимликда 1—2 тадан, айримларида 3 тадан сўта бор.

Маккажўхоридан мўл ҳосил олиш йиғим-теримни уюшқоқлик билан ўз вақтида ўтказилишига ҳам боғли. Шунинг учун маккажўхори парваришини давом эттириш билан бирга йиғим теримга ҳам тайёрлик кўраяпмиз. Совхозимиздаги маккажўхорини ўриб янчадиган 6 та комбайн ремонтдан чиқариб қўйилган. Биз маккажўхори ўрим-йиғимини 5 августдан бошлашни мўлжаллаб турибмиз.

С. ОҚБОШЕВ,
Бўка районидаги «Қўқорол» совхозининг маккажўхорикорлик бригадаси бошлиғи.

МЕХАНИК-ҲАЙДОВЧИЛАРНИНГ САФЛАРИ ТЎЛДИРИЛДИ

«Ўзсельхозтехника» системасида бу йил биринчи марта Бўка районида ташкил этилган курсларни 100 механик-ҳайдовчи битириб чиқди. Ёшлар ўқиш чоғида яхши назарий тайёргарликка эга бўлдилар ва ўрим-йиғим техникасидан фойдаланиш ҳамда уни ремонт қилишда кўникма ҳосил қилдилар. «Ўзсельхозтехника» бирлашмасининг Бўка районидаги ремонт устахоналарида амалий машғулотлар ўтказилди. Қишлоқ инженер-механизаторлари, колхоз ва совхозларнинг тажрибали механизаторлари тингловчилар ҳузурида лекция ўқишди. Битириб чиқувчиларга учинчи класс механик-ҳайдовчилари малакаси берилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар топширилди.

Хўжаликларда ёш мутахассисларга пахта терадиган машиналар биркитиб қўйилди. Уларга бу йил кузда ҳосилни мустақил равишда териб олиш учун далалар ажратиб берилди. Ёшлар дастлабки вақтда малакали механизаторлардан иборат мураббийлар билан ёнма-ён туриб ишлайдилар.

Ҳозир Янгийўл, Чиноз, Ўрта Чирчиқ ва Тошкент областининг бошқа районларидаги хўжаликларнинг ёшларидан икки минг йигит-қиз «Ўзсельхозтехника» курсларида ўқишни тугатай деб турибди.

Куз мавсумида «зангори кема»ларда республиканинг турли курслари ва билим юртларида таълим олган 16 минг механик-ҳайдовчи ишлайди. 17 минг механизатор курсларда малакасини ва йиғим-терим машиналарини юргизиш классини оширади.

(ЎзТАГ).

БЕКОБОД РАЙОНИ ЮБИЛЕЙ ВАХТАСИДА

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

✦ РАЙОН ташкил топган 1926 йилда 3000 дан ортиқроқ аҳоли истиқомат қилган. Ҳозир эса Бекобод районида 70 мингдан ортиқ киши яшаётгани рўйхатга олинган.

✦ 1926—1927 йилларда бор-йўғи 500 гектарга яқин экин майдони бўлган. Ҳозирги кунга келиб райондаги экин майдони 31000 гектардан ошиб кетди.

✦ 1931—1932 йилларда майда-майда 97 та колхоз мавжуд бўлган. Уларда ҳосилдорлик 6—7 центнерни ташкил этган, холос. Айни пайтда ҳосилдорлик 4,5 баравар кўпайган.

✦ 1933 йилда қишлоқ хўжалик механизмларини ремонт қилиш устахонаси замирида «Далварзин» мотор-ремонт заводи ташкил этилди. «Далварзин» пахта заводи эса 1928-1929 йилларда қурилган. 1- ва 2-«Далварзин» совхозлари ҳам ана шу йилларда ташкил этилган.

✦ РАЙОНДА ўнинчи беш йилликда 123 минг тонна дон, 62 минг тонна шоли, 28 минг тонна маккажўхори 26 минг тонна сабзавот, 48 минг тонна полиз экинлари ҳосили, 12 минг тонна мева, 4000 тонна узум, 6,5 минг тонна гўшт, 12 миллион дона тухум, 755 тонна пилла тайёрлаш кўзда тутилмоқда.

✦ 1980 йилга бориб районда 80 минг тонна пахта етиштирилади.

ХЎЖАЛИГИМИЗ ЮКСАЛИШДА

СОВХОЗИМИЗ райондаги энг йирик ва кекса пахтачилик базаси ҳисобланади. Юбилей йилида ҳам пахтакорларимиз улкан марраларни кўзлаб меҳнат қилмоқдалар. Мавжуд 2800 гектар майдонга чигитни гербицидлар ёрдамида кенг қаторлаб экдик. Об-ҳавонинг қуруқ келганига қарамай барча майдонлардаги чигит бир текисда ундириб олинди. Ишлов бериш сифатли ўтказилмоқда. Натижани, айни кунлардаги гўза ниҳолларининг ривожидан кўрса бўлади.

Совхозимизда механизацияга таянган ҳолда иш олиб борилмоқда. 2000 гектар майдондаги гўзалар механизация ёрдамида чеканка қиликади. Дефолиацияни сифатли ва тез ўтказиб, 10600 тонна пахтанинг 9000 тоннасини «пўпат от»лар ёрдамида териб олиш учун ҳозирдан тайёргарлик кўрилмоқда.

Хўжалигимизда 50—60 центнерчилар ҳаракати авж олдирилган. М. Аъзамов, Т. Ҳамидов К. Бозорбоев, И. Мақсудов ва Ш. Аҳмедов бригадалари ана шундай юқори ҳосил учун курашмоқдалар. Бу бригадаларда айни кунлардаги энг муҳим вазифа — гўзаларни қондириб суғориш зўр уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Майдонларда кўзда тутилган миқдордаги гўза кўчатлари, соғлом ва бақувват бўлиб ўсмоқда.

Маккажўхорикорларимизнинг ҳам бу йилги аҳдлари улкан. 200 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 100 центнердан оқаҳрабо дон» ҳосили олиш уларнинг эзгу ниятидир. М. Ҳамидов, Қ. Қосимов, Р. Ражабовлар бошлиқ маккажўхоричилик бригадаларининг айни кунлардаги ишлари мақтовга лойиқ.

Совхозимизда пахтачилик билан бирга хўжаликнинг бошқа соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Бу борада чорвадорларимизнинг олиб бораётган ва эришаётган меҳнат ютуқлари ўрнакли дир. Юбилей йилида 290 тонна гўшт, 1600 тонна сут, 230 минг дона тухум етиштириш чорвадорларимизнинг меҳнат мажбуриятларидир. Совхозимиз бўйича ҳар бир соғин сигирдан 3700 килограммдан сут соғиб олиш учун қизғин кураш бормоқда. Бу йил гўштга топшириладиган қора молнинг оғирлигини 480 килограммга, чўчқалар оғирлигини 110 килограммга етказамиз. Ҳар юз бош сигирдан 95 тадан бузоқ, ҳар юз бош она чўчқадан 2750 чўчқа боласи ва ҳар бир товуқдан 190 донадан тухум оламиз. Бунинг учун чорвачиликни ривожлантиришнинг асоси бўлган озуқа базасини мустаҳкамлашга жиддий эътибор бермоқдамиз. Қишлов учун 5000 тонна силос, 1400 тонна беда пичани, 3000 тонна сенаж, 4650 тонна дағал хашак ва 1000 тонна лавлаги тайёрлаймиз.

Яқинда сут соғувчиларимизнинг ойлик меҳнат натижалари кўриб чиқилди. Социалистик мусобақада К. Ражабова ғолиб чиқди. У ҳар бир сигирдан 1720 килограмм ўрнига, 2075 килограммдан серқаймоқ сут соғиб олишга эришди. Унинг ҳамкасблари О. Ражабова, А. Беженцева, Л. Садовская-лар ҳам ўз планларини 115—120 процентга адо этишди. Уларнинг ҳар бири бу йил 3300—4500 килограммдан сифатли сут соғиб олиш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Хўжалигимиз коммунистлари, барча меҳнаткашлари партиямиз белгилаб берган улуғвор вазифаларни муваффақиятли амалга оширмоқдалар. Пахтачиликда ва чорвачиликда эришилаётган катта ютуқларга партия атрофига уюшган 194 коммунист ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда.

Бошланғич партия ташкилоти 5 та группа, 11 та цех партия ташкилотларидан ташкил топган бўлиб, коммунистларнинг авангардлигини ошириш, план ва топшириқларни сўзсиз бажаришга руҳлантириш, ишлаб чиқаришнинг олдинги сафида боришда катта ташкилотчилик ишларини амалга оширмоқда.

Халқ фаравонлигини ошириш, қишлоқ турмуш маданиятини янада юксалтириш партиямизнинг XXV съезди қарорларида ҳам таъкидлаб ўтилди. Меҳнаткашлар депутатлари 2-«Далварзин» қишлоқ Совети ижроия комитетида бу муҳим масалаларга алоҳида эътибор берилмоқда. Қишлоқ қурилиши ва ободонлаштириш ҳам доимо қишлоқ Советининг диққат марказида турибди. Йилдан-йилга, янги-янги турар жойлар, маданий-маиший хизмат кўрсатиш объектлари қурилиб, фойдаланишга топширилаяпти.

Совхозимиз меҳнаткашлари партия — ҳукуматимизнинг кўрсатаётган доимий ғамхўрликларига жавобан Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши йўлида бундан буён ҳам астойдил иш олиб боравераверадилар.

А. ҚОЗОҚБОЕВ,
«КПСС XXV съезди» совхозининг директори.

ДАЛАЛАР ҚЎШИҒИ

Бу ерда КПСС XXV съезди делегати, Узбекистонда хизмат кўрсатган механизатор Валлами Тўхтабоев бошлиқ бригада меҳнат қилади, деган сатрлар битилган тахта қаршисига келганимизда кўз олдимизда ажойиб манзара гавдаланди. Меҳр билан парвариш қилинаётган гўза ниҳоллари ёз насимидан денгиздай чайқалади. Пайкаллараро биз томон юриб келаётган трактор эса денгиздан соҳилга қараб сузаётган кемани эслатади.

— Валламининг ўзи культивация қиляпти, —дея изоҳ берди ҳамроҳимиз, бўлим бошқарувчиси Абдуманнон ака Абдумавлонов тракторга ишора қилиб. — Ҳақиқатан лочин йигит.

Кўп ўтмай трактор пайкал бошига етиб келди. Ундан ўрта бўйли, юзлари офтобда қорайган, ҳаммамизга таниш бўлган йигит Валлами Тўхтабоев тушиб бизлар билан кўришди. Бизнинг саволларимизга қисқагина жавоб қайтарди:


— Ишларимиз ёмон эмас. Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига ҳар гектардан олтмиш центнердан хирмон кўтаришга аҳд қилганмиз. Гўза қатор ораларига комплекс ишлов бердик. Гўзалар кўнгилдагидек ривожланмоқда.

Пайкал оралаб бораяпмиз. Гўзалар гул, шонага кирган. Кўсаклар кўзга ташланади. Бир пайкалда сувчилар оби-ҳаёт тараётган бўлса, иккинчи пайкалда бригада аъзолари эгат оралаб, гўзага ишлов бермоқдалар. Бизни бригаданинг тажрибакор сувчиси Омонқул ака Қаюмов қарши олди.

Бригадамизда етти сувчи гўзаларга навбатма-навбат уч группага бўлиниб, икки сменада кеча ва кундузи оби-ҳаёт таратяпти. Асқар Каримов, Мухтор Тожибоев каби ҳамкасбларимиз билан кунига етти-саккиз гектар майдонни сувдан чиқараяпмиз. Иккинчи картада ёввойи ўтларни юлиб, гўза ораларини юмшатиб бораётган бригада аъзолари Кимё Султонова, Мамлакат Мирзаахмедова, Хожар Абдулазилова, Мастура Йўлдошевалар ҳар бир кўчатнинг яхши парвариш топиши учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Бригада пахтазорлари гуркираб яшнаб турипти. Ҳа, ана шундай азаматлар туфайли бугун далалар жамоли ўзгача, таровати бўлакча. Жўяклардан оқаётган сувнинг майин шилдираши, гўзаларнинг шабадада тебраниб шивирлаши ажойиб қўшиқ бўлиб эшитилади.

М. КАРИМОВ,
Ойбек номли совхоз.



РАЙОН марказига келган кишининг биринчи нигоҳи магистрал йўл ўртасида қад кўтарган Халқлар дўстлиги монументига тушади.

ЧЎҚҚИНИ КЎЗЛАБ

Бригада бошлиғи эрталаб ерларни айланиб чиққан эди. Шунинг учун у анҳорнинг чап соҳилидаги картанинг пастки томонини сув юзиб кетганлигини сувчиларга эслатди, тезроқ бригадашиб сувнинг шаштини қайтармасак, бўлмайди, — деди.

Сувчилар кўплашиб, дарҳол ўша жойга етиб бордилар. Сув уриб кетган жойни тузатиб, оби-ҳаётнинг жўяклар бўйлаб осойишта оқишига имконият яратдилар.

Бригада аъзолари ҳар бир кўчатни нормал ўсиши ва мўл ҳосил етиштириши учун жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Улар 60 йиллик юбилейга ҳар гектардан 60 центнердан ҳосил кўтаришга аҳд қилганлар. Шунинг учун бригада бошлиғи Т. Эрназаров — бригадамиз ер майдони катта. Олди ерларимизда гўзалар бир текис ҳосилга киряпти. Бунинг барчаси чинакам меҳнатимиз самарасидир, — дейди.

«Победа» колхозининг юқори ҳосилли бу илғор бригадасида гўза парваришн комплекс олиб борилаяпти. 60 йиллик юбилейга муносиб совға тайёрлаш учун бригада аъзолари фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

С. ДЕҲҚОНОВ.

МАЖБУРИЯТ ОШИҒИ БИЛАН БАЖАРИЛДИ

БУНЕДКОРЛИК йўлида тер тўкаётган корхонамиз меҳнатчилари юбилей йилида зарбдорларча иш ташкил қилиб, зиммаларидаги вазифаларни муваффақиятли адо этиб келмоқдалар. Қўлга киритилган ютуқларни мустаҳкамлаб янги зафарлар сари дадил одимламоқдалар.

Ҳаммага маълумки, ўнинчи беш йиллик —сифат ва самарадорлик беш йиллигидир. «Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги га —60 зарбдор ҳафта» шиори остида меҳнат қилаётган заводимиз меҳнат аҳли иш жараёнини механизациялаш, иқтисодий кўрсаткичларга эришиш йўлида тинмай изланмоқдалар, маҳсулот сифатини ошириб бориш учун ҳаракат қилмоқдалар. Натижа чакки бўлмаётир.

Ўтган беш ойда 10 миллион 700 минг сўмлик ўринга 11 миллион 590 минг сўмлик маҳсулот реализация қилишга эришдик. Тола ишлаб чиқариш бўйича сифат ва самарадорлик қўлга киритилаётир. Ишлаб чиқарилган толанинг 100 проценти юқори сортларга қабул қилинганлиги бунинг ёрқин далилидир.

Бу муваффақиятларда, асосан, корхонамизда социалистик мусобақанинг тўғри йўлга қўйилганлиги, шунингдек, ғолибларни ўз вақтида рағбатлантириб боришимиз ҳам муҳим аҳамият касб этаяпти.

Ўтган ой давомида Тоҳир Исмоилов бошлиқ смена зарбдорлари ғолибликни қўлдан бермадилар. Ой якунида смена ишчиларн 300 сўм пул ва кўчма Қизил байроқ билан мукофотландилар. Муваффақиятлардан руҳланган смена ишчилари ғолибликни қўлдан бермаслик учун бор маҳоратларини ишга солмоқдалар. Сменанинг Икром Усмонов, Шефиқа Исмоилова сингари ишчилари ўз меҳнат постларида янги муваффақиятлар учун кураш олиб бораётирлар.

Юқорида биз сифат ҳақида фикр юритган эдик. Дарҳақиқат, сифатли тола ишлаб чиқариш бизнинг соҳамизда муҳим роль ўйнайди. Областимиз мусобақадоши —Иваново тўқимачилари ҳузурида бўлган заводимиз вакиллари бунга ишонч ҳосил қилиб қайтдилар. Чунки, тола сифатини бўлса ип йигирилганда узилиш ҳоллари рўй бермас ва бу йигирувчилар ҳамда тўқувчиларнинг иш унумини оширар экан. Ана шу масала коллективимиз орасида муҳокама қилинib узил-кесил ҳал қилинди. Эндиликда сифатли тола ишлаб чиқаришни ўзлаштириб олдик.

Шуни айтиш керакки, муваффақиятларга ўз-ўзидан эришиб бўлмайди. Бунинг учун аввало пахта ҳозирлик ни қабул қилиб олиш учун ҳозирлик ишлари қизғинтиб юборилди. Ленин номли колхозидаги «Узбекистон», Ойбек номли совхозлари «Чаноқ», А. Мавлонов номли совхоз территориясидаги «Социализм» ва заводимиз қошидаги тайёрлов пунктларида ремонт ишлари қизғинтиб юборилди. Ремонтчилар орасида социалистик мусобақа авж олдётир. Пахта қабулхоналарини узлуксиз қабул қилиш учун ҳозирдан бошлаб тадбирлар кўрилмоқда.

Заводимиз меҳнат аҳли КПСС XXV съезди ва Узбекистон Компартияси XIX съездлари қарорларини амалга оширa бориб, ана шундай муваффақиятларга эришмоқдалар. Айниқса, яқинда бўлиб ўтган КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми раиси Л. И. Брежневнинг «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Конституцияси лойиҳаси тўғрисида»ги докладидан илҳомланган корхонамиз меҳнат коллективи тобора янги муваффақиятларга эришиш учун курашмоқдалар.

Беш ойлик мажбурият бажарилди. Аммо бу чегара эмас. Янги зафарлар сари одим отаверамиз.

Н. БОБОЕВ,
«Далварзин» пахта тозалаш заводининг директори.

ЗАФАР ЧИРОҚЛАРИ

ТУН. Ойдин кеча. Зафар посёлкасининг марказий Ленин проспектидаги чироқлар эса атрофни янада равшанроқ ёритади. Тунги салқин шабададан кенг асфальт йўлнинг четидаги ёш чинор дарахтларининг йирик-йирик барглари гўё ўзича шивирлашади.

Ленин проспекти — посёлканинг марказий кўчаларидан бири. Посёлкага келган ҳар бир киши аввал шу кўчага қадам босади. Нурафшон мана шу кўчадан бу ердаги истаган ташкилот, муассасага бориш мумкин.

Зафар посёлкаси район меҳнаткашлари КПСС XXIV съезди қарорларини ҳаётга татбиқ эта бораётган бир даврда, 1-«Далварзин» совхозининг 1-бўлими негизида вужудга келтирилди. Районнинг маркази ҳисобланган бу посёлка қисқа муддат ичида шаҳар кўркини ола бошлади. Замонавий, кўп қаватли турар-жой бинолари, маъмурий бинолар посёлканинг кўркига-кўрк қўшмоқда.

Посёлка марказидаги Советлар уйи, замонавий аптека, «Ёшлик» савдо маркази бинолари ва бу бинолар ўртасидаги турфа гуллар экилган гулзорга кўзи тушган кишининг завқи келади.

Посёлка марказида «Дўстлик» монументи қад кўтарган. Мазкур монумент шу ерда яшовчи турли миллат вакилларининг дўстлик, қардошлик рамзи, ака-укадек яшаб, ижод қилиб бир мақсад сари бораётганлигининг тимсолидир.

Посёлканинг келажаги порлоқ. Маданият саройи, район маъмурияти акт зали, турли қулайликларга эга икки қаватли ресторан қурилишлари ниҳоясига етиш арафасида. Шунингдек, район хотин-қизлар педагогика билим юрти учун янги ўқув корпуси, посёлка Совети учун янги маъмурий бинолар қурилиши ҳам жадаллик билан олиб бориляпти.

Зафар посёлкаси ташкил этилган йилнинг ўзидаёқ, аҳоли 17 минг квадрат метрли турар-жой бинолари га эга бўлди. Турар-жой бинолари йилдан-йил кўпайиб бормоқда, кўчаларда ҳиёбонлар барпо қилинмоқда.

Тошкент магистрал йўлидан ўтган кишининг назарини ўзига жалб қилувчи навқирон бу посёлка ана шундай юксалиб бораяпти.

— Зафаримизни янада ободонлаштирамиз, — дейди посёлка Советининг раиси Мамадали ака Олтмишев. — Бу борада иш олиб бораётган 7 та доимий комиссия аъзолари махсус программага эга. Ленин проспекти марказидаги гулхоналарга бу йил кўплаб кўчат экдик, йўл бўйларига декоратив дарахт ниҳоллари ўтқаздик. Ҳашар усулида ташкил этилган бу ишимиз яхши самара бермоқда.

Дарҳақиқат, посёлкамизнинг ҳусни-жамоли тобора яшнаб ўзгариб бормоқда. Бунинг бари партия ва ҳукуматимизнинг районимиз меҳнаткашларига кўрсатаётган ғамхўрлиги натижасидир.


Ҳа, Зафар чирой очмоқда. Тунда унинг марказий кўчаларидаги чироқлари атрофни равшан ёритса, кундузлари унинг жамоли қуёш мисол порлагудек.

М. РЎЗИМАТОВ.

ОНА ЮРТИМГА

Ўсиб, улғайган ўз юрту элини,
Оғзидан бол томиб сўзлайди ҳар ким.
Инқилоб нурин эмган халқимни мен ҳам
Фахр ила сўйламоққа бордир-ку ҳаққим.
Бошинг тошдан экан сенинг азалдан,
Бунга гувоҳ берар кекса тарих ҳам.
Елкангга орқалаб дунё ташвишин,
Улуғ йўлдан ҳормай ташлайсан қадам.
Касбинг пахтакорлик —танти деҳқонсан,
Дўстлар даврасида баланд шуҳратинг.
Иқболинг қуёшдай порлаган, равшан,
Бунга ишонч берар улкан ғайратинг.
Саҳройи Далварзин, Мўйинқумларининг
Фақат номи қолди мерос биз учун.
Ленин даҳосидан гуллаб яшнадинг,
Ҳусну жамолингни куйламай нечун!!
Олтин тўй олдидан сенинг қаршингда
Қўлларим кўксимда таъзим этгайман.
Шаънингга битилган ушбу шеъримни
Ўпингдан тўёна дея тутгайман.

Карим МАВЛОНОВ,
Бекобод районм.




ЗАФАР посёлкаси —район маркази. Унинг жамоли кундан кун кўркамлашиб, обод бўлиб бормоқда. Сиз кўриб турган суратдаги кўркам бинолариниг ўрни бундан бир неча йил олдин нотекис, тошлоқ ерлар эди. Қаранг, бугун қандай гўзал бинолар қад кўтариб турибди.

М. Қорабеков фотолари.

СССР КОНСТИТУЦИЯСИ ЛОЙИҲАСИ УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

МИЛЛИОНЛАРНИНГ БАХТ ҚОМУСИ

СУЛОЛА ШУҲРАТИ



⊙ ТОШКЕНТ телемарказида янги студия фойдаланишга топширилди. 600 квадрат метр майдонга эга бўлган бу студия спектакллар, концертлар ва цирк программаларини рангли тасвирда эфирга чиқариш учун мўлжалланган.

Янги студия Тошкентда қурилаётган телевизион комплекснинг бир қисми холос. Суратда: оператор Ҳасан Раҳматуллаев студиянинг ёритиш пультида.

А. Авазов фотоси. (ЎзТАГ).

«КОРХОНАНИНГ кекса ишчилари ва меҳнаткашлар сулолалари беш йилликнинг кенг кўламли ва мураккаб вазифаларини ҳал этишга қандай ҳисса қўшаётганлигини сизлар конкрет мисоллар билан яққол кўрсатиб берясиз».

Леонид Ильич Брежневнинг В. И. Ленин номли Пермь машинасозлик заводининг кадр ишчилари билан меҳнаткашлар сулолаларининг вакилларига йўллаган мактубида шундай дейилган.

РАСУЛОВЛАР оиласи са молётсозликка бир юз йигирма йил бағишлади. Холбуки бу сулола пайдо бўлганлигига 35 йил бўлди. Ишчи сулоласининг асосчиси Кабир Расулов кетидан яна шу оиладан ўн киши умумий меҳнат стажига ўз ҳиссасини қўшди. Ўзбек самолётсозлари сулоласи Ўзбекистон индустрияси ана шу соҳасининг тенгдошн бўлишида чукур маъно бор.

1942 йилда шарққа кўчирилган завод мосланган цехларда эндигина жойлашганида Чорсу яқинидаги эски маҳалладан 17 яшар Кабир Расулов ҳам бу ерга келди. Мактабни битиришига бир йил қолган эди, лекин йигит отаси фронтдан қайтиб келгунча ўқишни «йигиштириб қўйди». Энди ота учун ва бошқа фарзандлар учун қувол тайёрлаш керак эди. Шундай қилиб Кабир Расулов биринчи гражданлик имтиҳонини топширди.

1944 йилда жароҳатланган отаси уйига қайтиб келганида 19 яшар Кабир авиазаводида ўзбеклардан биринчи мастер бўлган эди.

— Энди бизда Улуғ Ватан урушининг ўша дамларида бошланган ўнлаб ишчи сулолалари бор, — дейди фахр билан Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари Фазлиддин Нажмиддинов.

Бу оиланинг фахри бўлакча. Бунинг маъноси шуки, яхши ходим деган тушунча Расуловлар номи билан доимо боғлиқ бўлиб келган. Сулолани бошлаган кишининг рафиқаси Ўктам Раҳимовна, унинг укаси Саидаҳад, қизлари, ўғли, жиянлари тўғрисида ҳам шу гапларни айтишади.

Кабир Расулов ишни деталларга ишлов беришдан бошлаганди. Унинг ўғли Саидсамат ҳам ишни шундан бошлади. Аммо энди унинг ихтиёрида программа билан бошқариладиган станоклар бор. Тешик-тешик лентани станокка қистиргани-нигиздан сўнг бир неча минут ўтгач, мураккаб деталь тайёр бўлиб тушади. Илгари шуни тайёрлашга малакали ишчи бир соат кетказган бўлар эди. Ҳисоб марказида ишлаётган Саидсамат Расулов шундай программалар тайёрлаяпти. Заводнинг стандартлаш бўлимига бошчилик қилаётган унинг отаси эса бу деталларни маҳсулнинг номини билан завод сифат белгиси аттестациясидан ўтказди. Осмонда улкан ҳаво кемасини кўрар экансиз, бу машинада слесарь, лаборант, механик, конструктор, техник, инженер Расуловларнинг меҳнат ҳиссаси ҳам борлигини ҳис этасиз.

Улуғ Октябрь Туркистон халқларига келтирган эркинликлар орасида ижодкор меҳнатнинг ҳамма соҳаларига ҳам йўл очилган эди. Ленин Декретига биноан суғориш эҳтиёжларига ажратилган 50 миллион сўм орасида Бекобод деган кичик бир қишлоқ ёнида цемент заводи қуришга ажратилган бир миллион сўм ҳам бор эди.

Рус ишчилари завод деворларини кўтариб, ўрта Осиёда мисли кўрилмаган айланма печларини монтаж қилдилар, энг муҳими бекободлик ва бошқа қишлоқ йигитларини ҳунарга ўргатдилар. Шу йигитлардан бири Қосим Фармонов заводда айланма печларнинг энг яхши машинисти бўлиб етишди. У ўзбек цементчилари биринчи сулоласини бошлаб берди.

Бекободдаги бошқа комбинат — металлургия комбинатида прокат иши усталарининг биринчи сулоласи пайдо бўлди. Уни ураллик металлургларнинг шогирдлари — ака-ука Санд ва Шамси Нуриддиновлар бошлаб бердилар.

Тошкент тўқимачилик комбинати ишга туширилаётган бўлганида шонли Россия тўқимачиларидан минглаб киши Ўзбекистонга кўчиб «Горная мануфактура» фабрикаси тўқувчисининг қизи Клавдия Яковлевна Котова ҳам Тошкентда ишчи сулоласини вужудга келтирган аёллардан бири. Унинг қизи Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Лидия Казанцева тошкентлик ёш тўқувчиларга иш ўргатмоқда.

Янги Конституция лойиҳасида СССР гражданлари меҳнат қилиш ҳуқуқига эгабўлган саноатимизнинг юздан ортиқ соҳаси борки, ҳар бир соҳа ўзининг меҳнаткаш сулолалари билан ҳақиқатда фахрлана оладилар, дейилган. Ўзбекистонда юзлаб ҳунар-техника билим юртлари, ўнлаб техникумлар ва олий ўқув юртлари мана шу ҳуқуқни амалга оширишда ёрдам бермоқда. Бугунги кунда билим ва маҳорат эгаллаётган миллион-миллион йигит-қизлар эртага ота мерос ишни давом эттирадилар. Балки улар янги сулолаларни бошлашса ҳам эҳтимол.

Е. ЕФИМОВ, (ЎзТАГ).

СССР Министрлар Советида

19 июль куни СССР Министрлар Советининг мажлиси бўлди. Унда СССР халқ хўжалигини ривожлантириш давлат плани ва СССР Давлат бюджетининг 1977 йил биринчи ярмида бажарилиш якунлари кўриб чиқилди.

КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошириш, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун кенг авж олиб кетган социалистик мусобақа давомида, КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми қарорлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумдаги докладида баён этилган қоидалар ва хулосалар, шунингдек СССР Конституцияси лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси туфайли юзага келган юксак сиёсий ва меҳнат жўшқинлиги натижасида хўжалик ва маданий қурилишда ҳамда совет халқининг фаровонлигини оширишда янги муваффақиятларга эришилди.

1977 йилнинг биринчи ярми плани саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажми жиҳатидан, чорва, парранда, сут ва тухум харид қилиш ҳамда бошқа бир қанча кўрсаткичлар жиҳатидан ошириб бажарилди.

Саноат маҳсулоти 1976 йилнинг биринчи ярмига нисбатан йиллик планда кўрсатилган 5,6 процент ўрнига 5,7 процент кўпайди. СССРнинг ҳамма министрликлари ва Иттифоқдош республикалар саноат маҳсулотини реализация қилиш биринчи ярим йиллик планини оширib бажардилар.

Давлат капитал маблағлари ҳисобига 23,6 миллиард сўмлик яъни 1976 йилнинг биринчи ярмида ишга туширилганидан 6 процент ортиқ асосий фондлар ишга туширилди.

Ишчи ва хизматчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 2,7 процент, колхозчиларнинг меҳнат ҳақи 5 процент ортди, чакана товар оборoти 4,6 процент ва маиший хизмат ҳажми 8,7 процент кўпайди.

Жами саҳни 25,4 миллион квадрат метр келадиган уй-жой биполари, 7 минг ўринлик касалхоналар, ҳар сменада 16,5 минг бемор қабул қилинадиган поликлиникалар, 103 минг ўринли умумий таълим мактаблари, 80,6 минг ўринли мактабгача тарбия муассасалари фойдаланиш учун топширилди.

Шу билан бирга СССРнинг айрим министрликлари ва Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари саноат ишлаб чиқариши, темир йўл транспортининг юк оборoти, капитал қурилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан ва бошқа кўрсаткичлар юзасидан белгиланган бир қанча топшириқларнинг бажарилишини таъминламадилар.

СССР Министрлар Совети, СССР министрлари ва идораларнинг раҳбарлари, Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари зиммасига ўзларига қарашли корхоналар, қурилишлар ва ташкилотларнинг 1977 йил биринчи ярмидаги хўжалик фаолияти якунларини анализ қилиб чиқиш тадбирларини, 1977 йил планини тўла ва ошириб бажариш, халқ хўжалиги айрим тармоқларини ривожлантиришдаги ҳамда корхоналар, қурилишлар ва ташкилотлар ишидаги камчиликларни тугатиш, план интизомини кучайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш ва унинг сифатини яхшилаш тадбирларини ишлаб чиқиб, амалга ошириш мажбуриятини юкладн.

СССР Министрлар Совети бутун куч ва моддий воситаларни 1977 йилги ҳосил ўримини ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлашни қисқа муддатларда ва ҳеч нобуд қилмай ўтказишга қаратиш зарурлигига алоҳида эътиборни жалб қилди. Шу билан бирга канд лавлаги, пахта, картошка, сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини парвариш қилиш соҳасидаги ишлар ўз вақтида ва сифатли ўтказилишини таъминлаш, чорвачилик учун ем-хашак тайёрлаш суръатларини жадаллаштириш учун ҳамма чораларни кўриш таклиф этилди.

ДУНЁ ОВОЗИ
ЧЕТ ЭЛ ХАБАРЛАРИ

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

◆ ПАРИЖ. Кейинги беш ярим йил ичида Францияда тирикчилик қарийб икки баравар қимматлашди. Умумий меҳнат конфедерациясининг маълумотларига кўра, чакана нархлар 1972 йилнинг январига нисбатан ўрта ҳисобда 93,7 процент ошди.

◆ ИСТАНБУЛ. «Политика» газетасининг хабар беришича, Туркияда тўла ишсизлар 3 миллион кишидан ошиб кетган. Айни вақтда деб таъкидлайди газета мамлакатда малакали ишчи кучига қаттиқ эҳтиёж сезилмоқда. Ҳозир Туркиядаги фабрика ва заводларда 150 мингдан зиёд ишчи ўрни бўш турибди. Бу ўринларни фақат мутахассисларгина эгаллаши мумкин. Бироқ кўпдан-кўп малакали ишчилар ва инженерлар яхшироқ турмуш шароитларини қидириб чет элларга кетиб қолмоқдалар. Ҳозирги вақтда ГФРнинг ўзидагина 500 мингдан кўпроқ турк ишламоқда.

◆ НЬЮ-ЙОРК. БМТ хавфсизлик кенгаши ўзининг бугунги мажлисида Вьетнам Социалистик республикасини БМТ аъзолигига қабул қилиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқишга киришди. Бу масала бош ассамблеянинг 1976 йил 26 ноябрда катта кўпчилик овоз билан қабул қилинган резолюциясига мувофиқ муҳокама этилмоқда.

◆ ЛУАНДА. Совет Иттифоқининг кўмаги билан Маланже, Уамбо ва жанубий Куанза вилоятларида ташкил этилаётган ҳунар-техника таълими марказлари Ангола халқ республикасининг қишлоқ хўжалиги учун малакали мутахассислар тайёрлаб беради. Бу ерда имзоланган Совет—Ангола ҳужжатларида ана шу марказлардаги ўқув жараёнини Совет мутахассисларининг таъминлаши кўзда тутилади.

✦ ЖАКАРТА. Бугун Индонезиянинг Бали оролида Тинч океан илмий уюшмасининг конференцияси очилди. Конференцияда 30 мамлакатнинг, шу жумладан Совет Иттифоқи, АҚШ, Япония, Англия, Франция, Малайзия, Филиппин вакиллари иштирок этмоқдалар. Конференция ишлаб чиқариш технологияси проблемасига бағишланган.

(ТАСС, 19 июль).

МЎЛ ЖУТ ҲОСИЛИ


ДЕҲЛИ, 19 июль. (ТАСС). Ҳинд деҳқонлари кўп асрлардан бери жут етиштириб келадилар. Жут поясининг бўйи уч ярим метргача боради. Жут поясининг толаси газлама, гилам, брезент, пишиқ арқон тайёрлашда ишлатилади. Жут маҳсулотлари осон бўялади ва табиий яроқлилигини сақлаб қолади.

Ҳиндистонда жут кўпгина районларда экилади. Аммо Ассам, Ғарбий Бенгалия, Бихар ва Орисса штатларида энг мўл ҳосил олинади. Ҳиндистон жут етиштириш жиҳатидан дунёда биринчи ўринни эгаллайди. Бу ерда йилига бир миллион тоннадан ошиқ жут тайёрланади. Шунинг ярмидан кўпи экспорт қилинади.

НОРОЗИЛИК КУЧАЙМОҚДА

БОНН, 19 июль. (ТАСС). ГФРда янги нацист ва реваншчи кучларнинг активлашишига қарши, собиқ СС дивизияларининг ҳарбий хизматчилари Бавария, Баден Вюртемберг, Рейнланд-Пфальц, Шлезвиг — Гольштейнда ва ГФРнинг бошқа ўлкаларида кўпдан-кўп учрашувлар ўтказилаётганликларига қарши норозилик ҳаракати кенгайиб бормоқда.

Реваншчилар аллақандай «ветеранлар учрашуви» деб кўрсатишга уринаётган ниятларининг Марбургда лўттибозлик ўтказишларига тўсқинлик қилиш учун зарур ҳамма чораларни кўришларини талаб қилмоқдалар.



АМЕРИКА Қўшма Штатларида ошаётган норозилар ва коллакесарлар ташкилоти бўлган куклуксканчилар шайкаларининг фаолияти сезиларли даражада активлашди.

АДН—ТАСС фотоси.

СЎНГГИ ПОЧТАДАН

КОММУНИСТЛАР МАДҲИ

КОММУНИСТЛАР — халқ иши учун фидокор, курашчан, матонатли кишилардир. Улуғ Октябрь социалистик революциясини амалга оширишда, фашизм устидан ғалаба қозонишда улар кўрсатган жасорат тилларда достон бўлди. Тинч қурилиш йилларида ҳам коммунистлар олдинги сафларда бормоқдалар. КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошириш, Октябрь революциясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан бошланган мусобақада оммага етакчилик қилмоқдалар.

Пискент район «МЕҲНАТ БАЙРОҒИ» газетасининг навбатдаги сони коммунистлар амалга ошираётган улкан ишларни мадҳ этишга бағишланди. 1-«Пискент» совхози партия комитетининг секретари Ғ. Раимжонов Октябрь олди мусобақасида коммунистлар иштироки тўғрисида тўлқинланиб ҳикоя қилади. Обид Отаев, Уринбой Муборакоз, Халил Иброҳимов каби коммунистлар Октябрнинг 60 йиллиги шарафига пахта ҳосилдорлигини 50 центнерга етказишга қарор қилганлар. Совхоз далаларида ҳозир 150 коммунист меҳнат қилаяпти. Улар барчага намунадирлар.

Тельман номли колхоз звено бошлиғи, партия аъзолигига кандидат Мирсаид Турсунов 50 гектар ерда деҳқончилик қилиб, бу йил пахта ҳосилдорлигини 65 центнерга етказишга сўз берган. Шу юксак мажбуриятни бажариш йўлида қураётган тадбирлари ҳақида у газетхонларга қизиқарли ҳикоя қилиб берган.

Калинин номли колхоз цех партия ташкилотининг секретари У. Қорақўзиев, «Гулистон» колхози партия ташкилотининг секретари С. Умаров ўртоқларнинг мақолаларида ҳам янгиликларни жорий этишда, ишлаб чиқаришни комплекс механизациялашда, оммавий-сиёсий ишлар самарадорлигини оширишда коммунистлар ўйнаётган роль ҳақида ҳикоя қилинган. Бу сондаги коммунистлар ҳақидаги очерк ва лавҳалар ҳам жозибали чиққан. Газетанинг бошланғич партия ташкилотлари олиб бораётган катта сиёсий-тарбиявий ишлар ҳақида, омманинг етакчилари бўлган коммунистлар тўғрисида қизиқарли саҳифа ва подборкалар бериб бораётганлиги диққатга сазовордир.

УНУТИЛГАН ҚАРОРЛАР

ЭЙВАЛИ қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинати олти ойлик топшириқни бажара олмади. Маҳсулот реализация қилиш плани 90,4 процент, меҳнат унумдорлиги 86,4 процент бўлди. Комбинат коллективи ўтган йили ҳам планни бажаролмай дога колган эди.

Хўш, партия ташкилоти бундай аҳволга қандай муносабатда бўлмоқда? Бизнингча, ишлаб чиқаришга, жамоат ишларига партиявий таъсир кучи талаб даражасида эмас.

Корхона бошланғич партия ташкилотининг ўтган йили бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида коммунистлар қатор камчиликларни тилга олишди, партия ташкилотининг жанговарлик қобилиятини ошириш ҳақида таклифлар киритилади. Биз шу ерда бошланғич партия ташкилотининг секретари В. Г. Подсиорининг партия ташкилотининг ҳисобот даврида қилган докладидан айрим жумлалар келтирмоқчимиз: «Биз партия ташкилотининг ҳисобот давридаги фаолиятига КПСС XXV съезди талаблари асосида баҳо беришимиз... камчиликларни бор бўйи билан очиб ташлашимиз ва келгуси бир йил учун жанговар программа тузи олишиз керак... Қолоқлигимизнинг сабаби меҳнатни ташкил этиш даражасининг пастлиги, ишлаб чиқариш ва технологик интизомнинг бўшлигидир... Маҳсулот сифати ҳамон паст бўлмоқда».

Мана, орадан тўққиз ой ўтди. Аммо корхона ишлаб чиқаришида ҳанузгача кескин ўзгариш сезилмайди. Демак, ҳисобот-сайлов йиғилишининг қарорини бажариш устидан етарли назорат ўрнатилмаган. Давлат планлари бажарилмаяпти, маҳсулот сифати паст, таннарх қиммат. Чунки, партия ташкилоти ишлаб чиқаришга партиявий раҳбарликни талаб даражасида олиб бормаяпти. Партия йиғилишларига пухта тайёргарлик кўрилмайди, доклад тузишда кўпчилик жалб этилмайди. Бир йиғилишда жуда кўп масалалар муҳокама этилади. Шу йилнинг 27 январида ўтказилган партия йиғилиши кун тартибига 6 та масала қўйилган. Улар тематикаси жиҳатидан катта-катта масалалар.

Бир йиғилишнинг ўзида шунча масалани қамраб олиш жуда қийин. Бу эса аввало жиддий масалаларга юзаки муносабатда бўлишга мажбур этади. Биринчи масалани эътиборга олайлик. Докладда ҳисобот-сайловдан ўтган давр ичида бирор илғор КПСС сафига қабул қилинмади, дейилади. Лекин комбинатда ишловчиларнинг 60 процентн ёшларни ташкил этади. Шунингдек, партия аъзолигига кандидатлар билан ишлаш, уларни тарбиялаш талабга жавоб бермаётгани қайд этилган. Сўнг КПСС сафини илғор комсомолар ҳисобига ўстириш, уларни ғоявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялаш, жамоат ишларида активлигини, кандидатлик стажининг аҳамиятини ошириш ҳақида фикрлар айтилган. Лекин қимматли фикрлар қоғозда қолиб кетди. Шу кунгача ҳали бирор ишлаб чиқариш илғори КПСС аъзолигига кандидатликка қабул қилинмади. Шу фактнинг ўзи йиғилишда кўрилган масала юзасидан тадбирлар амалга оширилмаётганлигини исботлаб турибди.

Хўш, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ошириш ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисидаги қарори юзасидан қандай ишлар амалга оширилди? Тўғри, социалистик мусобақа юзасидан айрим шартлар ишлаб чиқилди. Стенд ташкил этилди. Лекин шу билан иш тўхтаб қолди. Меҳнат ва иш ҳақи бўлимининг бошлиғи коммунист Н. Хатибова билан суҳбатда бу яна очиқроқ маълум бўлди. Ярим йил давомида бирор завод, цех коллективига голиблик байроғи топширилмаган. Социалистик мусобақанинг форма ва методларидан кенгроқ фойдаланишга интилиш йўқ. Ишчи-хизматчилар, касбкорлар ўртасида конкурслар ўтказилмайди. Бу фактларнинг ҳаммаси социалистик мусобақанинг таъсир кучини сўндирмоқда.

Социалистик мусобақанинг муҳим омилларидан бири меҳнатни маънавий ва моддий рағбатлантиришни тўғри қўшиб олиб боришдир. Корхонада эса бунга етарли эътибор берилмаяпти. Ярим йил ичида бирор киши рағбатлантирилмаган. Мусобақани жонли, таъсирчан ташкил этиш, унга жиддий ва оқилона муносабатда бўлишни тақозо этади. Бу иш ғоявий ва ташкилий жиҳатдан пухта бўлмоғи лозим.

Партия ташкилоти социалистик мусобақани ташкил этишга етарли диққат қилмаяпти. Ўтган давр ичида касаба союз фаолияти бирор марта йиғилишларда кўриб чиқилмади. Аслида эса коммунистлар социалистик мусобақани ривожлантиришга алоҳида эътибор билан қарашлари, янгиликни вақтида пайқаб олишлари, илғорлар ташаббусини қўллаб-қувватлашлари ва кенг оммалаштиришлари, коллектив ўртасида яратувчилик кайфиятини вужудга келтиришлари лозим эди.

Умуман, партия ташкилоти жамоат ташкилотларига раҳбарликни сусайтириб юборган. Уларнинг ҳисоботлари эшитиб борилмайди. Партиявий ишнинг синалган форма ва методларидан бири коммунистларнинг ҳисоботларини эшитиб боришдир. План ва социалистик мажбуриятларни бажариш учун кураш, ижодкорлик, ташаббускорликни намоён қилиш, ҳар бир раҳбар, ҳар бир коммунистнинг энг муҳим партиявий бурчидир. Ҳисоботлар ходимларни партия ва давлат интизомига, социалистик ахлоқ нормаларига қатъий риоя қилиш руҳида тарбиялайди. Ҳар бир кишининг давлат топшириқларини, ўз мажбуриятларини бажариш учун шахсий жавобгарлигини оширади. Ходимларнинг ўзи учун ҳисоботлар ва ахборотлар ўз-ўзини анализ қилишнинг муҳим воситаси ҳамда амалий хулосалар чиқариш учун асос бўлади.

Корхона раҳбарлари билан суҳбатлашсангиз, план ва топшириқларнинг бажарилмаслигига кадрларнинг етишмаслигини важ қилиб кўрсатишади. Бизнингча, бундай ҳолнинг юз беришида партия ташкилоти ва маъмуриятнинг айби бор. Ярим йилнинг ўзида 109 кишининг ишдан бўшаб кетганлиги корхонада кадрлар билан ишлашдаги камчиликларнинг белгисидир. Бу ҳақда партия йиғилишларида ҳам бир неча бор гапирилди. Лекин кадрлар билан ишлаш ҳақида кам қайғурилмоқда. Узоққа бормайлик. Партия ташкилотининг 9 июнда бўлган йиғилиши қарорида труба заводининг бошлиғи А. Серковнинг қуйидаги сўзлари зикр этилган: «Корхонамизда меҳнатни ташкил этиш даражаси қониқарсиз аҳволда. Мастерлар ва ишчилар билан етарли даражада иш олиб бормаймиз, кадрлар қўнимсизлигининг асосий сабаби шунда. Ишга янги келганларга эътибор бермаймиз, ҳатто улар ҳали касб сирларини эгалламай, бўшаш ҳақида ариза кўтариб қирганларини кўрамиз. Ишлаб чиқариш маданиятини ошириш ҳақида ҳамхўрлик қилмаймиз».

Ҳақиқатан корхонада кадрлар билан ишлаш масаласи давр талабига жавоб бермайди. Ҳозир корхонада мингдан ортиқ киши ишлайди. Шундан 80 кишигина ветеран ҳисобланиб 7 йиллик стажга эга. Ана шу деталнинг ўзи кадрлар ишига масъулиятсизлик билан қаралаётганлигини билдириб турибди. Кадрлар билан ишлаш эса кишиларга нисбатан сезгирлик, ғамхўрлик ва эътиборни, айни маҳалда партиявий принципиалликни, талабчанликни ҳар бир кишига тўғри таъсир кўрсата олиш маҳоратини талаб қилувчи мураккаб ишдир.

Майли, маълум даврда кадрлар етишмаётган бир пайтда партия ташкилоти ва маъмурият ана шундай ички имкониятлардан самарали фойдаланишга интилиши лозим эди. Партия ташкилоти эса ҳатто бу ишнинг орқага кетаётганини сезмайди, ҳам. Партия йиғилишларида бу хусусда ҳеч кимнинг ҳисоботи эшитилмади, ва коммунистлар билан суҳбатлар ўтказилмади. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, партия ташкилоти ўз йиғилишларига кўпчиликни қизиқтирган муҳим масалаларни қўймаяпти. Бу эса мажлисларнинг активлик, танқид ва ўз-ўзини танқид руҳида ўтишига салбий таъсир кўрсатаяпти.

Юқорида кадрлар хусусида гап бошланган экан, ишчи-хизматчиларни турар-жой билан таъминлаш, маданий-маиший хизматни яхшилаш ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш ўринлидир. Комбинат посёлкасида ишчи-хизматчилар учун турар-жой етишмайди. Болалар боғчасидаги ўрин ҳам талабга нисбатан бир неча баравар кам. Мактаб қурилиши йилдан-йилга чўзилиб кетмоқда. Шу сабабли посёлкадаги ишчи-хизматчиларнинг фарзандлари кўшни хўжаликдаги мактабларга боришга мажбур бўлишаяпти. Бу ўринда бир қатор қурилиш ташкилотларининг ҳам айби бор. Ўзбекистон ССР қурилиш министрлиги юқорида айтилган объектларда иш олиб боришни 1975 йилда «Узбекшахтострой» трестига топширган бўлса, 1976 йил январида «Алмаликсвинецстрой» давом эттирган бўлди. Энди эса «Узградострой» бирлашмасига топширилди. Ўтган йили 5420 квадрат метр ҳажмдаги иккита уй фойдаланишга топширилиши лозим эди. Лекин қурилиш ҳамон ўлда-жўлда ётибди.

Албатта, бу ишларни тезлатишда корхона коммунистлари ҳам мазкур идораларга нисбатан талабчанлик билан муносабатда бўлишлари лозим. Лекин, давлат план ва топшириқларини бажаришда бу баҳона бўлолмайди. Партия ташкилоти ишлаб чиқаришга партиявий таъсирни кучайтириб бориши лозим. Бошланғич партия ташкилотининг жанговарлик қобилияти у олиб бораётган сиёсий ва ташкилотчилик ишининг самарадорлигига кўп жиҳатдан партия ва ҳукумат директиваларининг, юқори партия органларининг йўл-йўриқлари ҳамда ўз қарорлари ижроси қандай назорат қилинаётганлигига боғлиқдир.

Ижрони текшириш яхши йўлга қўйилса, партия ташкилотининг коллективдаги ташкилотчилик ва сафарбар этувчилик роли ошади. Партия давлат ва меҳнат интизоми мустаҳкамланади, ишлаб чиқаришнинг бутун бўғинларини аниқ, пухтароқ ишлашини таъминлайди. Кадрларни тарбиялашда танқид ва ўз-ўзини танқид методидан тўлароқ фойдаланиш, қуйидан бўладиган танқид учун шарт-шароит вужудга келтириш, танқиднинг таъсирчанлигини ошириш мақсадида назоратни юксак даражага қўйиш лозимдир. Шундагина кўзланган мақсадларга эришиш мумкин.

Б. ПЎЛАТОВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбир.

ТЎҚИМАЧИ ҲАВАСКОРЛАР ДОВРУҒИ

КУНИ кеча матбуотда Тўқимачилар маданият саройининг халқ рақс ансамблига Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотин лауреати унвони берилганлиги ҳақида хабар эълон қилинди. Катта анжуманга тараддуд кўраётган ансамбль қатнашчилари учун бу қўш қувонч бўлди.

Ҳа, бугун чиндан ҳам байрам. Қизларнинг чеҳрасида жозибали табассум, ўзгача гўзаллик. Табиат гўё бисотидаги бор гўзалликни уларга бахш этгандай. Қизлар ўз санъатларини кўп бор намойиш қилганлар, лекин бу галгиси улар учун катта имтиҳон.

— Тайёрмисиз, қизлар? Қани бўлмаса репетицияни бошладик, — деди Маргарита опа. Оппоқ ҳарир кўйлак кийган қизлар бир гала оқ қушлардек саҳна томон йўл олишди. Залда ҳеч ким бўлмасада, уларнинг қалби ҳаяжонда. Негаки масъулиятли сафарга атаб тайёрланган номерлар сўнгги бор репетиция қилинди. Эртага йўлга отланишади. Уларни яна бир жиддий имтиҳон кутмоқда. Ансамбль Венгрияда ўтказиладиган VI жаҳон халқ рақслари фестивалида катнашиш шарафига муяссар бўлди.

— Ансамблда 40 раққоса қиз ва йигит бор. Ҳаммаси қобилиятли ва тиришқоқ. Ўз устида кўп ишлашади,—дейди ансамбль раҳбари Маргарита Оқилова — биз фестивалга 25 минутлик концерт программаси тайёрлаганмиз. Бизга шундай катта ишонч билдирилган экан биз буни оқлашга ҳаракат қиламиз.

Ўзбекистон ССР халқ артисти, моҳир раққоса ва мураббий Маргарита опа юзлаб ҳаваскор раққосалар билан бирга бирқанча профессионал артистлар, балетмейстерларни тарбиялади. Ҳозирда Вилоят Оқилова, Роза Вилдонова, Маъмура Эргашева, Зоя Рихсиева каби раққосалар «Шодлик», «Бахт», «Баҳор» ансамбларида муваффақият билан томошабинларни мамнун этиб келишмоқда.

М. Оқилова кўпроқ ўзбек халқининг қадимий рақсларини саҳналаштириш ва ўргатишга ҳаракат қилади. Репертуарда «Катта ўйин», «Кичкинажон», «Хожи тамтам», «И-ҳа-ҳа» каби қадимий ва «Доира чақиради», «Ўйна гулим», «Қайроқ» каби замонавий рақслар бор.

Гагарин номли тўқимачилар Маданият саройида 18 тўгарак фаол ишлаб турипти. Шулардан 5 таси—рақс ансамбли, рус театри, ўзбек театри, изостудия, кинохаваскорлар коллективига халқ ансамбли унвони берилган.

Маданият саройига киришингиз билан изостудиянинг болалар тўгараги аъзолари яратган расмлар, ҳайкаллар билан безатилган залга кўзингиз тушади. 16 ёшли И. Кузьмина яратган «Ўқитувчи», «Йўқолсин паранжи» деб номланган ҳайкалчалари эътиборингизни ўзига тортади. 14 ёшли А. Волковнинг «Партизанлар» номли расми эса кишини ҳаяжонга солади. Бу ерга Л. Латипова, Р. Салимжонов, Е. Гапонова, М. Фильдман каби ёш ҳаваскор рассомларнинг ишлаган расмлари ҳам қўйилган. Кўргазма Октябрь революциясининг 60 йиллигига бағишлаб тайёрланган.

Маданият саройида уруш ва меҳнат ветеранлари хори ансамбли ҳам ишлаб турибди. Улар тез-тез тўқимачилик комбинатида, ётоқхоналарда концерт қўйиб турадилар. Кино санъати шайдолари эса ҳозиргача 40 дан зиёд фильм яратишди. Шу йил Наманганда ўтказилган киноҳаваскорлар фильмлари кўригида бу коллектив «Олтин медаль» билан тақдирланди. Ж. Акромов раҳбарлигида «Яккама-якка», «Девор», «Эски қудуқ» каби фильмларни суратга олган ҳаваскорлар кино яратиш сирларини мукаммал ўзлаштириб олганликларини кўрсатишди.

Бу санъат кошонаси Тошкент тўқимачилик комбинати ишчи ва хизматчиларининг севимли масканига айланиб қолган. Улар бўш вақтларини бу ерда кўнгилли ва мазмунли ўтказишмоқда. Тўқувчи ҳаваскорларнинг довруғи тобора довон ошмоқда.

М. АЗИЗОВА.



ЎЗБЕКИСТОН халқ хўжалиги ютуқлари виставкасига ҳар куни юзлаб тошкентликлар ва меҳмонлар ташриф буюришади. Бу ерда республикамиз саноатида, қишлоқ хўжалигида, илм-фан ва маданиятда қўлга киритилган улкан ютуқлар билан танишиш мумкин. Суратларда: янги қишлоқ хўжалиги машиналари. Ҳалқ истеъмоли буюмлари. И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоларн.

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими давлат комитети

В. П. ЧКАЛОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ БАЗАСИДА

ЯНГИ ТАШКИЛ ҚИЛИНГАН

С. И. ҚАДИШЕВ НОМЛИ 166-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1977—1978 ўқув йили учун

қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

МЕТАЛЛАР БЎЙИЧА УНИВЕРСАЛ ТОКАРЛАР ВА УНИВЕРСАЛ ФРЕЗЕРЧИЛАР, УЧУВЧИ АППАРАТЛАРНИ НИҒУВЧИ-СЛЕСАРЛАР, МЕХАНИКА-НИҒУВ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СЛЕСАРЬ, ЕҒОЧ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ДУРАДГОРЛАР.

Ўқиш муддати — 3 йил.

ЎҚИШГА 8-СИНФ ҲАҚМИДА МАЪЛУМОТЛИ ТОШКЕНТЛИК НИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Шаҳарнинг чекка қисмидан келувчилар ётоқхона билан таъминланадилар.

БИЛИМ ЮРТИНИ БИТИРГАНЛАР ЎРТА МАЪЛУМОТ ҲАҚИДА АТТЕСТАТ ВА КАСБЛАРИ ҲАҚИДА ДИПЛОМ ОЛИБ В. П. ЧКАЛОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА ИШГА БОРАДИЛАР.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар олий ўқув юртлари ва техникумларнинг сиртки ҳамда кечки бўлимларига конкурссиз ташқари қабул қилинадилар.

ЎҚИШЛАР ТЕХНИКА ВОСИТАЛАРИ БИЛАН ЖИҲОЗЛАНГАН ФАН КАБИНЕТЛАРИДА ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Ўқиш даврида ўқувчилар заводдан бериладиган имтиёзлардан фойдаланадилар.

Бундан ташқари билим юртида спорт майдонлари муҳайё, қуйидаги спорт секциялари ишлайди: бокс, эркин кураш, футбол ва авиамоделчилар, фото, радио ҳамда бадиий ҳаваскорлик тўгараклари мавжуд.

Ўқувчиларнинг дам олишлари учун Чимён атрофида махсус дам олиш лагери бор.

Шунингдек, ўқувчилар ўқиш даврида бепул уч маҳал иссиқ овқат, кийим-бош билан таъминланадилар.

Ўқувчилар ишлаб чиқариш практикасида ишлаган иш ҳақининг бир қисми билан таъминланадилар.

Билим юртига киручилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: ариза, таржимаи ҳоли, маълумоти тўғрисида ҳужжат, паспорт ёки туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, медицина картаси (тасдикланган), турар жойидан справка, 4х5 см. катталикдаги 6 дона фотосурат, Т—2 формадаги шахсий карта.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Ҳамза райони, Генерал Петров кўчаси, 329-уй (20-трамвай ва 30-автобуснинг «166-билим юрти» бекати), қабул комиссияси.

ҲАР ТЎҒРИДА

АКУЛА БИЛАН ОЛИШУВ

Бу воқеа Жанубий Африка Республикаси Капе вилоятининг соҳил бўйида юз берди. Балиқчи ўз қайиғида катта ўлжани тортиб олардн. Қармоқ ипи ниҳоятда таранг эди.

Кейинги воқеа бир зумда рўй берди. Қармоққа илинган балиқни ўлжа қилмоқчи бўлган икки метрли акула океандан сув юзига сакраб чиқди. Ана шу сакрашда у бурни билан балиқчиларнинг бирига тегиб, сал бўлмаса унинг бошини узаёзди. Кейинчалик врачлар шикастланган балиқчининг тавсифида акуланинг 60 тиши изи қолганини санашди. Жаҳли чиққан акула қайиққа жон-жаҳди билан ташланди. Пиртқич қайиқнинг бир неча еридан тишлаб олди. Шундай бўлса ҳам балиқчилар ўткир тиғ билан акулани ўлдиришга муваффақ бўлишди.

Маҳаллий балиқчилар сўзларига қараганда уларнинг ўлжаларига акулалар тез-тез ҳамла қилиб туришади, бироқ акулаларнинг сув юзига сакраб қайиқдаги одамларга ҳамла қилиш ҳоллари камдан-кам содир бўлади.

36 ТОННА ЮКНИ ТОРТГАН ПАҲЛАВОН

Танзаниянинг машҳур полвони Самсон Касуле Ндухи ўзининг афсонавий куч-қудрати билан ҳамшаҳарларини таажжубга солишдан тўхтамаётир. «Дейли ньюс» газетаси ёзишича яқинда Ндухи 36 тонналик вагонни арқон ёрдамида тишлаб тортган. Бу гаройиб воқеани томоша қилган оломонлар «бу мумкин эмас» деб қичқира бошлашди. Ана шунда паҳлавон ишонқирамаган томошабинлардан бирини қўлига кўтариб олган-да, вагонни яна 5 метрга судраган.

ЖАСОРАТНИНГ ЎЧМАС ИЗЛАРИ

Тошкентнинг Ленин проспекти ҳиёбони бўйлаб икки киши ўзаро суҳбатлашиб бормоқда. Иккаласининг ҳам кўксини орден ва медаллар безаб турибди. Улар пионерлар саройига — Улуғ Ватан урушн ветеранлари учрашувига таклиф этилган. Буюк ғалаба учун бўлган жангларда жасорат кўрсатган бу отахонларнинг нуроний чеҳраларига боқиб, бенхтиёр улар босиб ўтган қаҳрамонлик йўлларини, оловли йиллар воқеаларини хотирлаймиз.

ПОЛК КОМАНДИРИ

1943 йил ноябрь. Урушнинг қизғин палласи. 174-ўқчи дивизия Киев атрофидаги шаҳар ва қишлоқларни эгаллаб турган фашистлар билан ҳаёт-мамот жанглари олиб борарди. Шундай долзарб кунларнинг бирида полковник Ҳайдар Ҳамидов 15-ўқчи полк командири қилиб тайинланди.

Қўмондонлик томонидан 147-ўқчи дивизияга Станислав шаҳрини эгаллаб турган фашистларни тор-мор қилиб, тез фурсатда шаҳарни душмандан озод этиш топширилди. «Станислав операцияси»ни муваффақиятли амалга оширишда дивизиянинг Ҳайдар Ҳамидов командирлик қилаётган 15-ўқчи полки етакчилик қилди. Бунинг учун полкнинг кўпгина жангчилари ва командирлари орден ва медаллар билан тақдирландилар. Танкка қарши батарея командири В. П. Клименко ва полк командири Ҳ. Ҳамидов Александр Невский ордени билан мукофотландилар. Богдан Хмельницкий ордени билан мукофотланган дивизияга эса Станиславск номи берилди.

Душманнинг чекинаётган қўшинлари ҳар бир шаҳарни жуда қаттиқ туриб ҳимоя қиларди. Одер дарёси бўйидаги Штенау шаҳрига эса душман тиш-тирноғи билан ёпишиб олиб, уни сараланган аскарлари ҳимоя қиларди. Фашистлар бутун қучини ва ҳарбий техникасини дарё бўйига тўплаб олган эди. Улар Штенауни қўлдан бермаслик учун Қизил Армия ҳужумларига қаттиқ қаршилик кўрсатарди.

15-ўқчи полк қўшинлари ярим тунда Одерни кечиб ўтиб, кўқкисдан душманга ҳужум бошлади. Тўсатдан бошланган ҳужум душманни эсанкиратиб қўйди. Полкнинг Бекжон Шарипов, Азамат Оқилов, Бердимурод Холмуродов, Иван Сазонов, Франц Манчур, Василий Клименко каби жасур жангчилари душман позициясини биринчи бўлиб ёриб ўтдилар. Шундан сўнг Штенауни шаҳри қуршовга олинди. Уч кун давом этган шиддатли жанглардан сўнг шаҳар фашистлардан тозаланди. Душманнинг 1,5 минг аскари асирга тушди. 35 танк ва ўзиюрар тўплари, 60 дан ортиқ замбарак ва миномётлар, 220 га яқин ҳарбий автомашина, кўплаб қурол-яроғ ўлжага олинди. 16 радиостанция, кавалерия отлари ва аравалар, ўқ-яроғ, кийим-кечак ва кўплаб озиқ-овқат омборлари қўлга киритилди.

Ҳайдар Ҳамидов раҳбарлик қилган полк жангчилари ўз дивизияси билан бирга Прагани озод қилишда ва Берлинни қўлга олиш учун олиб борилган жангларда ҳам катта жасорат ва қаҳрамонлик кўрсатдилар.

Улуғ Ватан уруши тугагач, полковник Ҳ. Ҳамидов Ўзбекистонга кўкси тўла медаль ва орденлар билан қайтиб келди. У урушдан кейин бир неча йил жанубий чегараларимизда хизмат қилди. Кейинчалик Тошкент қишлоқ хўжалик институтида ишлаб, ёшларга ҳарбий тайёргарликдан дарс берди.

Ҳозир эса пенсияда. Ҳ. Ҳамидов тез-тез мактаб ўқувчилари билан бўладиган учрашувларга борib туради. Бугунги ёшларнинг бахт-саодати учун курашганлар жасорати, мардлиги ҳақида сўзлаб беради. Уларни қаҳрамон ота-боболарининг муносиб издошлари бўлишга чорлайди. Ҳ. Ҳамидов қуролдош ва полкдошларидан ҳам кўплаб хатлар, табрик телеграммалари олиб туради. Уларнинг меҳнат фронтида эришаётган муваффақиятларидан қувонади.

Ҳ. Ҳамидов катта оиланинг отаси. Қизлари Валя Москва Давлат Университетини якинда муваффақиятли тугатди. Сайёра эса Ўзбекистон ССР Фанлар академиясида илмий ходим бўлиб ишламоқда. Ҳозир у турпоқшунослик фанлари кандидати. Ҳ. Ҳамидов Ватанимизнинг турли бурчакларида истиқомат қилаётган полкдош ва қуролдош дўстлари билан хат ёзишиб, дийдор кўришиб туришади. Улар орасида тошкентлик собиқ жангчи, 95-ўқчи полкининг гвардиячи старший сержанти Қодир Соибназаров ҳам бор.

ИККИНЧИ ҲАЁТ

Қодиржон ака уруш бошланганда эндигина 18 ёшга тўлган эди. 95-ўқчи полкининг доимий автоматчиси сифатида Қодиржон ака Сталинградан Берлингача бўлган жанг йўлларини босиб ўтди. Қаҳрамонлик ва жасорат кўрсатди. Уруш тугагач эса у ҳам кўкси тўла орден ва медаллар билан она юртига қайтди.

Қодиржон ака хизмат қилаётган идора ҳар йили ғалаба байрамида унга даста-даста гуллар тутади. Унинг шаънига илиқ сўзлар айтади. Қ. Соибназаров «менинг туғилган кунним 9 Май — ғалаба байрами куни» дейди. «Ватан уруши» ордени ва «Сталинград мудофаси учун», «Будапештни озод қилингани учун», «Германия устидан қозонилган ғалаба учун» каби бир неча медаллар унинг кўксини безаб туради.

Қ. Соибназаров беш йил фашистларга қарши жанг қилди. Сталинград фронтида, иккинчи Украина фронтида жасорат кўрсатиб Сталинград, Киев, Курск, Ровно, Бухарест, Прага шаҳарларини озод этишда қатнашди. Кейин ғалаба билан она шаҳри Тошкентга қайтиб келди. Болалигидаги орзуси — П. Бенков номли рассомлик билим юртига ўқишга кирди. Ўқишни аъло баҳолар билан тамомлагач, ўн йил ўрта мактабда ёшларга чизмачилик ва рассомликдан дарс берди. Қ. Соибназаров 1960 йили Ғ. Ғулом номли адабиёт ва санъат нашриётига рассом — редактор вазифасига таклиф этилди. Шу йилларда нашр этилган адабий-бадиий китобларнинг деярли ҳар бирида Қодиржон аканинг мўйқалами излари бор. 1964 йили у «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» журналига бош рассом бўлиб ишга ўтди. Мана ўн бир йилдирки, Қ. Соибназаров шу шарафли ишда сидқидилдан меҳнат қилиб келяпти.

Баъзан уруш қолдирган жароҳат ўзини эслатиб туради. Кўпроқ юрсам оёқда оғрик сезаман, аммо уйга қайтганимда қувноқ болалар даврасини кўриб, уни унутиб юбораман,—дейди Қодиржон ака. Дарвоқе Қодиржон ака олти фарзандининг отаси. Катта ўғли Обиджон ота изидан боряпти. У «Ўзбекистон» нашриётининг рассом — редактори, Орифжон эса олий ўқув юртида таълим олаяпти. Одилжон ҳарбий хизмат бурчини аъло даражада ўтаяпти. Тоҳиржон, Собиржон ва Қобилжонлар ўрта мактаб талабаларидир.

Бу икки уруш ветеранининг болалардай мулойим, аммо чуқур қатъият акс этган юзкўзларида она юртга битмас-туганмас садоқат, душманга кучли нафрат алангасини уқиймиз. Бундай она-Ватанга садоқат ва душманга нафрат Совет кишисининг эзгу фазилатидир. Шундай фазилатли одамларнинг табаррук излари доимо бор бўлсин. Бу жасоратнинг сўнмас излари бизнинг бугунги осуда турмушимиз ва порлоқ келажагимиздир.

Мурод АБДУЛЛАЕВ.

Спорт

ЧЕМПИОНАТНИНГ ЯРМИГА ЯКУН ЯСАШМОҚДА

Мамлакат футбол чемпионати олий лигаси, биринчи группаси ва иккинчи эшелон вакиллари мавсумнинг ярмига якун ясашмоқда. Олий лига вакиллари ҳам биринчи давраниинг сўнгги тур ўйинларини ўтказишди. Киев динамочилари билан «Черноморец» ўртасида битта ўйин ўтказилмай қолди, холос.

15-турда тбилисилик клуб-дошларини 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратган Киев динамочилари 20 очко билан биринчи ўринга чиқиб олишди. Грузин футболчилари ҳисобида ҳам шунча очко бор. Пойтахт темирйўлчилари билан автозаводчилар эса биринчи даврани 19 тадан очко билан якунлашди.

Мамлакат чемпионатининг иккинчи лигасида қатнашаётган республикамиз вакиллари ҳам биринчи давра ўйинларини якунлашдилар. Сўнгги турда пешқадам Фрунзенинг «Олга» командаси «Горняк»дан 0:1 хисобида енгилган бўлсада, 30 очко билан биринчи ўринда бормоқда. Термизнинг «Автомобилист» ва «Хоразм» командалари 26 тадан очко билан иккинчи-учинчи ўринларни эгаллашди.

ЁШЛАРНИНГ БУТУНИТТИФОҚ ЎЙИНЛАРИДА

Ёшларнинг Бутуниттифоқ иккинчи спорт ўйинларида самбочилардан кейин, оғир атлетикачиларимиз умумкоманда ҳисобида мукофотли учинчи ўринни эгаллашди. 156 очко тўплаган Ўзбекистон оғир атлетикачилари РСФСР ва Украина командаларидан кейинги ўринни олишди. Шахсий ҳисобда Л. Куртаметов олтин, Ю. Долгоновский бронза медалига сазовор бўлган бўлса, Ю. Данилин, Л. Плохой ва В. Жугулар тўртинчи ўринни эгаллашиб, умумкомандa ғалабасига салмокли ҳисса қўшишди.

Қиличбозларнинг беллашувларида республикамиз терма командаси 52 очко билан умумий саккизинчи ўринда қолди. Лекин Борис Либерман шамширлар олишувида шахсий ҳисобда иккинчи ўринни олиб, кумуш совриндор бўлди.

Эшкак эшувчилар мусобақасида ҳам ўзбек спортчилари мукофотли ўринларга кўтарила олдилар. Тошкентлик динамочи Александр Пономарев ва Сергей Балабохинлар 1000 метр масофага бўлган мусобақада иккинчи ўринни эгалладилар.

Ленинградда эса велосипедчиларнинг 100 километрга команда пойгаси бўлиб ўтди. Ўзбекистон командаси аъзолари мезбонлардан кейин маррага иккинчи бўлиб келишди.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ ВА ИНФОРМАЦИЯ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«ЭНЕРГОСТРОЙИНДУСТРИЯ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА

ҒАЗАЛКЕНТ шаҳридаги 2-темир бетон-буюмлари заводи («Барраж» станциясида, ОРЖОНИКИДЗЕ районидаги 1-темир-бетон буюмлари заводида ишлаш учун бетончилар

КЕРАК

Елгиз кишиларга ётоқхонадан жой берилади.

Корхона тунги вақтда транспорт ва бепул овқатланиш билан таъминлайди.

«УЗГИПРОВОДХОЗ» ИНСТИТУТИГА

лойиҳа ишларига инженер-гидротехниклар

КЕРАК

Квартира берилади.

2-ДАВЛАТ ИТТИФОҚ ЛОЙИҲА ИНСТИТУТИГА

бош мутахассис, группа раҳбарлари, катта инженерлар ва инженерлар, барча ихтисослиқдаги катта техниклар ва техниклар, шофёрлар, чизмачилар.

КЕРАК

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»НИНГ КЕРАМЗИТ ЗАВОДИГА

ускуналар ремонти бўйича слесарлар, шофёрлар, техника ускуналарига хизмат кўрсатиш бўйича ишчилар

КЕРАК

Қуйидаги адресга мурожаат этилсин: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 —Гимнастика. 10.30 — Тунги қўнғироқ (бадиий фильм). 11.40 —Бизнинг биография —1936 йил. 14.50 — Илмий-оммабоп фильмлар. 15.40 — Ҳозирги замон совет адабиётида В. И. Ленин образи. 16.40 —Чўпон Янка (бадиий фильм, 1-серия). 17.45— Шахмат мактаби. 18.15 —Китоб —сенинг ҳаётингда. 19.00 —Янгиликлар. 19.15 — Польша Халқ Республикаси телевидениесининг Польша халқининг миллий байрами— Польша қайта ташкил топган кунга бағишланган программаси. 22.00 —«Вақт». 22.30 — Тинч оқар Дон (опера). 24.00 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 —Болалар учун бадиий фильм. 12.35 —Ҳужжатли фильм. 13.25 —Стратион қизи (бадиий фильм). 18.30 —Мультфильм. 18.40 — Физкультура ва спорт. 19.10 — Ҳаётга йўл излайман. 19.45 — Ахборот. 20.00 — «Театрнинг ижодий йўли». 21.00 —Ахборот. 21.20 — Ёзувчилар —ёзувчилар ҳақида. 22.00 — «Вақт» (Москва). 22.30 — Ноз-неъмат бунёдкорлари. 22.45 —Уруш ва тинчлик (бадиий фильм. 2-серия).

ТОШКЕНТ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05 —Болалар учун фильм. 19.30 — «Альбатроснинг сўнгги рейси» (бадиий фильм, 4-серия). 20.35 —Янгиликлар. 20.55 —Концерт. 21.35 —Математика.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

САНЪАТ САРОЙИ — «Изотоп» кафеси (катта зал), Меҳробдан чайҳона (кичик зал, кундуз ва кечқурун).

Атиги бир тун —«НУКУС» (тоқ соатларда), «ЧАЙКА», «ЎЗБЕКИСТОН», «ДРУЖБА», «КОСМОС 30 ИЙЛИГИ», «ҚОЗОҒИСТОН», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Сўнган гулханлар тафти — «НУКУС» (11, 13.30, 16, 18.30 20.45), «ДРУЖБА» (11, 14.10, 17, 20.00), «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

ЁЗГИ БИНОДА


Атиги бир тун —«ФЕСТИВАЛЬ» (21, 22.30).

Кенгуру — «ХИВА» (21, 22.30).

Ўзбекистон КП Тошкент район комитети ва Тошкент район ижроия комитети «Ленин йўли» колхозининг раиси, меҳнаткашлар депутатлари район Советининг депутати, область ва район партия комитетларининг аъзоси ҳамда район ижроия комитетининг аъзоси С. Муҳамаджоновга ўғли

Бўриевой Сидиқович МУҲАМЕДЖОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.



ОНА-ВАТАН БЎЙЛАБ

БУ ЙИЛ Кубанда ғалла ўрими йиғимида 100 минг механизатор қатнашмоқда. Суратда: Север районидаги «Ленин васияти» колхозида ўрим-йиғим пайти.

Е. Шулепов фотоси.



МОСКВАДА СССР Медицина фанлар академиясининг Бутуниттифоқ кардиология илмий маркази ташкил қилинди. Марказ энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

В. Созинов фотоси. ТАСС фотохроникаси.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»). Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и областного Совета депутатов трудящихся

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41 * ТЕЛЕФОНЛАР

Коммутатор — 330249 дан 330258 гача.

Эълонлар — 338142.

Р. 13315. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Г. 1667.